

Toshloq tongi

2024 YIL 9 FEVRAL JUMA № 4 (72728)

МАҚСАДИМИЗ КЎПРОҚ ИШЧИ
ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ

дейди тадбиркор Азаматжон Зокиров

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Иқтисодиётимизда кичик бизнес вакиллари, тадбиркорларнинг ўрни ва роли бекиёс бўлмоқда. Битта тадбиркор қанча ишчи ўрни яратар экан шунча оила хонадонига ризқ-рўз кириб бормоқда. Айниқса чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг арзон ва сифатли хизмат кўрсатиши аҳолига қулайлик яратмоқда.

Азаматжон Зокиров ҳам бир неча йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келади. У гилам ва парда маҳсулотлари сотишни йўлга қўйган бўлиб бу борада жойларда еттига дўконларини очишга ҳам муваффақ бўлган.

Тадбиркорнинг тумандаги Сўфилар маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "FARGIS" гиламлар дўкони ҳам аҳолига сифатли, замонавий, энг муҳими арзон гилам маҳсулотларини етказиб бermoқда. Бу билан чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг узоғини яқин қилиш билан бир



қаторда уларга сўнгги урфдаги гилам маҳсулотларини қулай нархларда тақдим қилинмоқда.

А. Зокиров сифатли кадрлайдиган, бошқаларга ҳам шуни раво кўрадиган тадбиркорлардан. Сабаби у дўконларини Самарқанддаги "SAG" гилам ишлаб чиқариш заводининг сифатли гиламлари билан тўлдирган. Бундай гиламлар ҳар қандай нозик дидли харидорни ҳам ўзига жалб қилади.

Тадбиркорнинг ишчи ўрни яратиш борасида ҳам анча ютуқлари бор. Чунки у 150 дан ортиқ ишчи ўрни яратиш шунча инсонлар хонадонга ризқ-барака

киришига сабабчи бўлмоқда. Биргина Сўфилар маҳалла фуқаролар йиғинида 20 нафар ёшларни иш билан таъминлаган. Тадбиркор ишчиларга қулай шароит яратиш бериш билан иш унуми юқори бўлишига эришмоқда.

—Бу каби дўконларни бошқа чекка ҳудудларда ҳам ташкиллаш ниятимиз бор. Мақсадимиз аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан ишчиларнинг бандлигини таъминлаш ва шу билан бир қаторда тадбиркорлигимиз сафини ҳам кенгайтиришга эришиш,—дейди А. Зокиров.

Шоҳистахон
РАХИМОВА.

ТАЙИНЛОВ

Султонмурот Усмонов Ўзбекистон маҳаллалари уюшмалари Тошлоқ тумани бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

Султонмурот Усмонов 1965 йилда Тошлоқ туманида туғилган. Маълумоти Олий. Узоқ йиллар давомида ички ишлар идораларида масъул лавозимларда ишлаган.

Султонмурот Усмонов бунга қадар Тошлоқ тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келган.

ГИЁҲВАНДЛИК
ИНСОН ҲАЁТИГА
ТАҲДИД

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳар йили наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш оидидаги ўтказиб келинадиган Жорий йилда ҳам 1-февралдан 1-мартгача "Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш оидида" деб эълон қилинди.

Тумандаги мусиқа ва санъат мактаби биносидан Пробаия гуруҳида назоратда турган

шахслар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда туман ИИБ бошлиғи А. Каттабеков, Жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси А. Раҳимов, Фарғона вилояти ИИБ 1-МММ бошлиғи ўринбосари Б. Раҳмонкулов, Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ пробаия бошқарма бошлиғи ўринбосари К. Расуловлар гиёҳвандлик, кашандаликнинг салбий оқибатлари ҳақида

(Давоми 2-саҳифада).

ҚОНУН УСТУВОР, ЖАЗО МУҚАРРАР



Туман мусиқа ва санъат мактаби биносидан Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг раиси А. Раҳимов раислигида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр суд мажлисида туман ИИБ бошлиғи А. Каттабеков, Фарғона вилояти ИИБ 1-МММ бошлиғи ўринбосари Б. Раҳмонкулов, Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ пробаия бошқарма бошлиғи ўринбосари К. Расулов, профилактика инспекторлари ҳамда Пробаия гуруҳида назорат остида турган шахслар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг раиси

А. Раҳимов мажлис дебачасида бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг энг муҳим, устувор йўналишларидан бири сифатида мустақил, очик ва шаффоф суд тизимига эришиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг муҳим вазифаларидан бири — жазоларни либераллаштириш, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларни кескин камайтиришдан иборатлиги, бу каби саъй-ҳаракатлар ижобий тавсифнома берилган, меҳнатга ҳалол ва виждонан ёндошган, тартиб қондаларга риоя қилган маҳкумларнинг илтимоснома-лари сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилиб муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ва белгиланган жазоларнинг енгиллигига алмаштирилиши каби амалий ишларда кўринишини таъкидлади.

Суд мажлисида кўрсатилган жазо турлари учун ўрnatилган тартиб-қоида талабларини бажармаган, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаган, жазони

ўташдан бўйин товлаган 3 нафар назоратда турган шахсларга нисбатан жазони оғирроғига алмаштириш юзасидан ҳукм чиқарилди. Пробаия назоратда турган, суд томонидан ўрnatилган тақиқ ва чекловларни бузмасдан меҳнатга ҳалол ва виждонан ёндошганлиги сабабли 10 нафар шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқилиб улар муддатидан илгари шартли озод этилдилар.

Сайёр суд мажлисида шунингдек 10 дан ортиқ маъмурий ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Х. МИРЗАШЕВ.

Тошлоқ туман ИИБ пробаия гуруҳи катта инспектори, капитан.



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

ОДАМИЙ ЭРСАНГ, ДЕМАГИЛ ОДАМИЙ

Улуғ бобомиз Алишер Навоий ўзининг «Махбуб ул-кулуб» номли асарида, хусусан унинг учинчи қисмида инсон ҳаёти, тарбияси учун фойдали бўлган фикрларни афоризм шаклида берган. Зеро шоирнинг бошқа барча асарларидаги — беш дostonни ўз ичига олган «Хамса», тўрт лирик девондан иборат «Хазойин ул-маоний», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-лугатайн», «Назм ул-жавоҳир», «Насойим ул-муҳаббат» ва бошқаларида ҳам ҳар бир сўз ҳикматдан, кишиларни ахлоқ-одобга, маърифатга, сабр-қаноатга, инсоф-саховатга, яхшиликка чорлашдан холи эмас. Шоирнинг ҳикматлари на замону замин, на мазҳабу дин ва на ижтимоий тузуму сиёсий туркум жиҳатидан чекланган. Чунки унинг илму амали, армону ижоди холисона, истисносив инсон хизматиға қаратилгандир:

**Одакий эрсанг, демагил одакий
Аники, йўқ халқ ғамидин ғами.**

«Ҳайратул-аброр» дostonидан келтирилган бу ҳикматли байт Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи шиордир. Навоий инсонни севади, уни ардоқлайди, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бахт-саодати учун курашади. Навоий севган инсон ёмон иллатлардан тоза, мусаффо, фозил ва комил инсондир. У меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-хунарини, лавозимини мукамал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва интилиши билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Алишер Навоий ҳамманинг ҳам ана шундай инсон бўлишини орзу қилади. Шоирнинг юксак халқпарварлик ғояси олий бадий шаклда ифода этилган бу мисраларни ҳозирги кунимизда ҳам миллионлаб киши ёддан билади.

Шоир ҳикматларида ҳар томонлама ҳурматга сазовор инсон: эл-юрт ахволини яхшилашга қўмаклаша олувчи, мамлакат ободонлиги ва тараққиётини ривожлантиришга қодир илм-маърифатли олим, фозил кишилар улуғланади.

**Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол,** — каби ҳикматли байтларда шоир кишиларни

илмли бўлишга, ўрганган илмларини эса халқ хизматиға қўйишга чакиради. Аксинча, илмидан халқ манфаатдор бўлмаган, илмини бойлик тўплаш манбаи деб ҳисобловчи олимларни Навоий қаттиқ қоралайди.

Шоир ҳикматлари ҳаётнинг турли-туман томонларини беистисно ўз ичига олган. Уларда инсон муҳаббати, вафодорлик, дўстлик, илм-маърифат фазилатлари, саҳийлик, қарам, сабр-қаноат, меҳнатсеварлик хусусиятлари, оила, фарзанд тарбияси, ватанпарварлик, инсонпарварлик, одоб-тавозе, мулойимлик, садоқатлилик, ростгўйлик, тўғрилиқ, ширинсуханлик, юмшоққўнғил, камтарлик, меҳрибонлик, ўзгалар манфаатларини ўз манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлар мадҳ этилади. Чин инсонийликка зид бўлган хусусиятлар — такаббурлик, ялқовлик, ёлғончилик, фирибгарлик, жоҳиллик, бахиллик, очкўзлик, фитна-фужур, ичкиликбозлик, аччиқ сўзчилик, дилозорлик, нодонлик, ҳушомадгўйлик, қаноатсизлик, шошма-шошарлик, одобсизлик, баднафслиқ, ўринсиз шухрат учун мол-дунё сочиш кабилар қаттиқ танқид қилинади. Навоий инсонларни мана шундай иллатлардан холи кўришни орзу қилади. Шоир агар инсон яхши бўлса, бошқаларга яхшиликни раво кўрса, ўзига ҳам яхшилик албатта қайтади, деган фикрни уқтиради. Шунинг учун ҳам **«Яхшилик жазоси йўқтур — бажуз яхшилик»** — дейди.

Шоир кишиларни раҳмдил, саховатли бўлишга чакирар экан, саховатсиз кишиларни жуда оддий қилиб: «Саховатсиз киши — ёнғинсиз абр-и баҳор», — дейди. Навоий оилада аёлларнинг ўрни масаласига алоҳида эътибор ва зўр ҳурмат билан қарайди. У оиланинг тинчлиги, уйнинг оройиши, гўзаллиги, фазилатини ўша оиладаги аёл билан боғлайди: «Уйнинг оройиши андин, уйлукнинг осойиши андин».

Буюк мутафаккирнинг асарларини ўқир эканмиз ҳамиша гўзал маънавий дунёни теранроқ кашф этишга, ўлмас асарларида илгари сурилган саҳийлик, ростгўйлик, мардлик, очикқўнғиллик каби олижаноб инсоний фазилатлар моҳиятини кенгрок англашга йўл топамиз.

Бир тарийб кўнглини эта олсанг шог

Саховат, оқибат каби улуг фазилатлар халқимизнинг азалий кадриятларидан бири саналади. Шу боис ҳамиша кўнгли ярим ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларимизни ҳолидан хабар олишга одатланганмиз.

Туман «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази томонидан айна кунда рўйхатга олинган 151 нафар якка-ёлғиз ва ногиронлиги бўлган ўзгалар ёрдамиға муҳтож ёлғиз кексаларға 17 нафар ижтимоий ассисентлар томонидан қўмак бериб келинмоқда.

Жумладан Пиёзчилик маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи болалиқдан имконияти чекланган ёлғиз кекса Шоирахон Парпиеваға туман «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ассисент ходимлари С. Аҳмедова, М. Халилов, И. Юнусова, У. Абдуллаевалар 13 турдаги хизматларни кўрсатиб келишмоқда.

Шу ўринда «Инсон» ижтимоий хизматлар туман бўлими ассисентлари томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўзгалар парваришиға муҳтож, ёлғиз фуқароларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, ёлғиз фуқароларға ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш мақсадида уларнинг илгари ишлаган меҳнат жамоалари, жамоа бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан алоқаларини олиб боришға ҳам алоҳида эътибор

14-февраль Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

“БОБУРНОМА”-МЕМУАР АСАР

Асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай ўқилаётган “Бобурнома” - мемуар асари ўзбек ва умумтуркий адабиётининг дунёға маълум ва машхур комусий асари эканлиги ҳеч кимға сир эмас. Бу асарда халқлараро — Ўзбекистон, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг маданияти, кадриятлари, ўзига хос жиҳатларидан ташқари бу ҳудудларнинг табиати, географияси, ҳайвонот ва наботот олами тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Асарнинг бир неча тилларға таржима қилиниши унинг бадий кимматини оширади. Муаллифнинг билимдонлиги, кенг дунёқарашға эғалиги асарда билиниб туради.

Буюк комусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари неға бебаҳо қўлланма ҳисобланади? У ўқишлилиги борасида нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки Эрон, Туркия, Бангладеш, Покистон ва яна қатор давлатларнинг маданияти, тарихи, урф-одатлари, кадриятларини ўзида акс эттиргани билан кимматлидир. Дунё олимлари, адабиётшуносларининг “Бобурнома” асари ҳақидаги турли қараш ва баҳолари ҳам унинг нечоғли дунё ҳамжамиятида кадрланишидан далолатдир: Германиялик бобуршунос Клаус Шонинг “Бобурнома”ға баҳо бериб “мукамал тизимдаги халқ тилида ёзилган энг катта ҳажмдаги асардир”, япониялик йирик бобуршунос Эйжи Мано “Бобурнома”ни “маълумотлар ҳазинаси” дея атаган бўлса, англиялик бобуршунос Бевериж хоним эса “бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир”, дея таъкидлаганининг гувоҳи бўламиз.

“Бобурнома” асари нафақат бадийлиги, балки тарихий манба сифатида ҳам ўлмас меросдир. “Бобурнома” асари орқали нафақат ўша давр географик, тарихий, маданий ҳаётини, балки Бобурнинг фазилатли шахс сифатида кашф этилиши бу асарнинг кимматини оширади. Ҳатто бу фактлар асоси ўларок бадий адабиётимизда гўзал асарлар дунё юзини кўрди. Жумладан, Бобур ва бобурийлар сулоласи тарихи билан астойдил қизиққан ўткир қалам эгаси адиб П.Қодиров ижоди орқали ўлмас тарихий роман “Юлдузли тунлар”,

“Авлодлар довони” да Бобурнинг нафақат шоҳ ёки шоир, ҳозирги кунда ибрат бўла оладиган ота тимсолини гавдалантиради.

— Ҳумоюн Мирзо оғир бетоб бўлганда уни азоб чекаётганиға чидолмаган отаси жон таслим қилаётган шахзода атрофида айланиб унинг тузалиб кетиши учун салтанатидаги энг кимматбаҳо Кўҳинур олмосини эмас, ҳеч нарсаға тенг келмас киймати бекиёс умрини бағишлаши ҳар қандай инсонни ҳайратға солади ва ўйға толдиради. Зеро, «Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарға қараганда севишға арзигулиқдир. Унинг манглайиға юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган» деганда инглиз тарихчиси Эдуард Холден жуда ҳақ баҳони берган эди.

Шарқда ота ҳамиша улуг аталиб келинган. Кўҳна тарихда номи битилган буюклар ҳамиша фарзандлари олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилганлигини кўрамиз. Шоҳ Бобур ҳаётлик чоғидаёқ тахтни ўғлиға топширган дунёдаги яккаю ягона тахт эгаси. Қарангки, у ота сифатида Ҳумоюннинг салтанатини қандай бошқаришини кўришни, унга бу борада яқин қўмакчи, маслаҳатчи бўлишни истаган.

Бобурмирзонинг бебаҳо инсоний фазилатлари ичида оила аъзоларига, қариндош-уруғлари, дўстларига меҳру оқибат кўрсатиши, садоқати асарларида, айниқса, “Бобурнома” да яққол намоён бўлади.

Ўғиллар тарбиясида ўзига хос қондалари ва ёндашувлари бор эдики, мана шу жиҳатлар ҳали-ҳануз башариятни лол қилиб келмоқда.

Бу буюк аждодимизнинг шахсияти ўша даврдаёқ бутун дунёни ҳайратға солиб, у ҳақда изланишлар олиб боришға даъват қилганидан дарак. Ҳали ҳамон бу давом этмоқда. Шунинг учун бўлса керак, асрлар оша “Бобурнома” асари нафақат адабиёт ихлосмандлари, балки ўзбек миллати учун тарбиявий аҳамиятға эға ҳазина ёдгорлик бўлиб қолаверади.

Саҳифа материалларини 2-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилфузахон Абдуллаева тайёрлади.

ГИЁҲВАНДЛИК
ИНСОН ҲАЁТИГА
ТАҲДИД

(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада),

тушунчалар беришди.

Йиғилишда туман ИИБ бошлиғи А. Каттабеков ойлик доирасида тумандаги касб-хунар мактаблари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, маҳаллаларда фаоллар иштирокида давра суҳбатлари, учрашув ва танловлар ташкил этилиши, мазкур тадбирларда ички ишлар бўлими ходимлари, шифокорлар, маҳалла имомлари, фаоллар иштирок этиб, ёшларға гиёҳвандлик иллатининг инсон онгига, жамият тараққиётига кўрсатадиган салбий таъсири, унинг олдини олиш бўйича тушунча, маълумот ва тавсиялар беришларини, шунингдек, мазкур йўналишдаги тарғибот ишлари самарадорлигини кучайтириш лозимлигини алоҳида қайд этди.

А. Каттабеков мазкур йиғилишда Пробация гуруҳида назоратда турган шахслар ўртасида “Китобхонлик” танловини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. 30 та китоб ўқиган ва танлов шартлари бўйича ғолиб бўлганларға туман ИИБ бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилишини билдирди.

А. НИШОНОВ.



илтимосларини бажариш ҳамда ёлғиз фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатяптилар. Марказ томонидан ҳафтанинг ҳар жума куни “Меҳр ва саховат куни” сифатида белгиланиб, тумандаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамкорлигида эҳтиёжманд аҳоли, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб уларға ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

М. ОБИДЖОНОВ.
туман «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори.

ЕР — ХАЗИНА

ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

Ғиёсбек Турсунов Хўжаарик маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси Қахрамон Аҳмедовнинг тавсияси билан ёшларга ажратилган имтиёзли кредитдан 30 миллион сўм олиб яшаш хонадонидида бўш турган 8,5 сотих ер майдонида иккита иссиқхона ташкиллаган. Пайвандлаш ишларидан хабардор Ғ. Турсунов иссиқхонани отаси билан биргаликда қуриб битказган. Бу жойда ғайрат қилиб қишда ҳам қулуپнай етиштиришни йўлга қўйган.

Иккита иссиқхонага жами 6400 туп Корейнинг “MaeHyang” ва Европанинг “Cleru” навли қулупнай кўчатлари август ойининг охирида экилган. Ноябрь ойи ўрталарида 3,5 сотихли иссиқхонадаги Корейнинг “MaeHyang” навли қулупнайи пишиб етилиб илк даромадини беришни бошлаган. Европанинг “Cleru” навли қулупнай кўчатлари эса 5 сотихли иссиқхонада пишиб етилиши учун алоҳида парваришланмоқда.

Бугунги кунгача 30 миллион сўмга яқин даромад олди. Иссиқхонада қулупнай яна пишиб етилмоқда. Олган даромадларимиз ҳисобига иссиқхонада иссиқлик тизимини



такимлаштириб, қулупнай навларини кўпайтириш эвазига мўл ҳосил олиб даромадимизни янада оширишни режалаштирганмиз, — дейди Ғ. Турсунов.

Излаган имкон топар, изланмаган баҳона. Изланиш ва меҳнатлар самараси албатта ўз меvasини беради. Ёшликдаги куч-ғайратни, изланиш ва интилишни, астойдил меҳнатни ўзида мужассам қила олган инсон борки оиласи фаровон, дастурхони тўкин, ҳаёти ҳам мазмундор.

Шоҳистахон РАҲИМОВА.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Тошлоқ туман СЭО ва ЖС бўлими мутахассислари томонидан Пиёзчилик МФЙда жойлашган мактаб ва мактабгача таълим бўлимига қарашли 17-сонли ДМТТда паразитология бўлинмаси мутахассислари иштирокида МФЙ ҳудудида яшовчи 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган 246 нафар болаларда гельминтоз касаллигини аниқлаш учун таҳлиллар олиниб шу жойнинг ўзида текширувдан ўтказилди. Текширувда мусбат аниқланган болаларга бепул дорилар таркатилди.

Шунингдек туман СЭО ва ЖС бўлими бошлиғи Р. Маткулов томонидан аҳоли вакиллари ва ота-оналарга юқумли ва паразитар касалликлар ҳамда аҳоли хонадонларини ораста тутиш, соғлом турмуш тарзи, жумладан, гепатит, сувчечак, қизамиқ, гельминтоз касаллиги келиб чиқиш сабаблари, уларни олдини олиш борасида тушунчалар берилди.



КОМПЬЮТЕРГА КИРИТИЛГАН АСОССИЗ ҚАРЗДОРЛИК



Электрон дастурига асоссиз сумма киритилиши оқибатида тармоқдан узилган истеъмолчилар тармоққа қайтадан уланди.

Туман истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятига Хотинқуми маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А.Қ. ва Қ.Ф. лар табиий газ таъминотидан асоссиз узиб қўйилиши ҳолатидан норози бўлиб мурожаат қилганлар.

Туман жамияти томонидан газ идорасига юқоридаги мурожаатлар юзасидан изоҳ берилишини сўраб киритилган сўровга берилган жавоб хатида истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйилишига истеъмолчи Қ.А.нинг хонадонидида табиий газдан фойдаланиш ҳолатларини ўрганишда ҳисоблагичга ўрнатилган бир марталик муҳр бузилганлиги ҳолати аниқланганлиги, истеъмолчи Қ.Ф.нинг хонадонидида ўтказилган ўрганишда электрон

газ ҳисоблаш ускунаси қувватига мос келмайдиган 1 дона иситиш печидан қўшимча фойдаланиш ҳолати аниқланганлиги ва ушбу ҳолатлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори 2-илоvasи 123-бандига асосан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилганлиги баён қилинган бўлсада, туман жамияти ҳамда газ идораси масъуллари ҳамкорлигида ўтказилган ўрганишларда ушбу вазларнинг асоссизлиги маълум бўлди. Ўрганиш якунлари билан истеъмолчилар тармоққа қайтадан уланиб, ударнинг мурожаати ижобий ҳал этилишига эришилди.

Ш. РАҲИМОВА,
туман жамияти му-
тахассиси.

РЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ ҲАМДА РЎЙХАТГА ОЛУВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда респондентлардан олинган тўлиқ ва ишончли маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўхатга олиш жараёнида респондентлар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар?

Респондентлар ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиши, ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиши, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлаштириши, рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса - рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслиги, рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт эканлиги мазкур қонуннинг 19-моддасида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартдаги “Аҳолини рўйхатга олиш тўғ-



рисида”ги ЎРҚ-611-сонли қонунининг 20-моддасига асосан рўйхатга олувчи ходимларнинг рўйхатга олиш варағига биноан респондентлардан шахсга доир маълумотларни олиши, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун меҳнатига ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги, шахсга доир маълумотларни йиғишни бошлашдан олдин респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши, ўз ваколатларига мувофиқ ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажариши, шахсга доир маълумотларни йиғиш жараёнида уларнинг мазмунини ошкор қилмаслик каби ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд.

Муҳаммадхон АХРОРОВ,
туман статистика
бўлими бошлиғи.

Латиф суҳбатлар

КИБРДАН САҚЛАНАЙЛИК

Инсонларда учрайдиган ёмон сифатлар саналганда ушбу ва кибр ёнма-ён зикр қилинади. Чунки уларнинг маънолари бир-бирига жуда яқиндир. “Ушбу” сўзи луғатда “кеккайиш”, “шуҳратпарастлик”, “манманлик”, “мағрурлик” ва “мактанчоклик” маъноларини англатади. “Ушбу” сўзи ана шундай маъноларга далолат қилганидан уламолар уни турлича таърифлашган. Роғиб Исфохоний “Ушбу — инсон ҳақли бўлмаган даражага ўзини ҳақлиман деб ўйлашидир”, дейди. Яна бир аллома Ибн Абдуссалом “Инсон ўзига берилган неъмат ёки яхши амални Аллоҳдан эканини унутиши ва уларга ўзим эришганман деб хурсанд бўлиши ушбдир”, деб айтган.

Кибр ҳам ушбдан юзага келади. Қуръони карим оятларида ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида ушбу ёмонлаб зикр қилинган. Хунайн кунда мусулмонларнинг мағлубиятига ушбу сабаб бўлган. Бу ҳақда ояти каримада бундай дейилади: «Аллоҳ сизларни кўп жойларда ва (хусусан) Хунайн кунда ғолиб этди. Ушанда (сон жиҳатдан) кўпчилигингиз сизларни мағрурлантирган эди, аммо (бу) сизлардан бирор нарсани даф қила олмади ва ўзининг (шунча) кенглиги билан ер (сизларга) танглик қилиб қолди. Сўнгра ортингизга чекиндигиз» (Тавба, 25). Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч нарса ҳалок қилувчидир: бахиллик, ҳаво нафс ва кишининг ўзи билан фахрланиши” деганлар (Баззор ривояти). Гоҳо инсон тўғри қилиб юрган ишидан мактанганидек, нотўғри қилиб юрган ишидан ҳам мактаниб юради. Пайғамбар алайҳиссалом Абу Саълабага:

“Агар муккасидан кетган очкўзни, ҳавою нафсига эргашидиган инсонни ва ҳар бир фикрловчи ўз фикрини маъқуллаганини кўрсанг ўзингни эҳтиёт қилгин” деганлар. Ушбу ҳадисни Имом Термизий ривоят қилган. Ибн Масъуд ҳалолат икки нарсаси: мактаниш ва ноумидликда, деб таъкид қилганлар. Албатта саодатга етишиш учун жидду-жаҳд, ғайрат, ҳаракат, талаб-истак лозим бўлади. Мактанувчи инсон эса мақсадимга етдим деб ўйлайди, аслида мақсадига етмаган бўлади.

Ушбдан қутулиш йўлини изловчилар ўзининг ожизлигини дунёдан ўтгандан сўнг, тупроққа айланиб кетишида тафаккур қилсин. Куч-қувват билан фахр қилувчилар эса Аллоҳ таолога Од қавминини қандай ҳалолатга дучор қилганини ёдга олсин. Ёки бир кунлик иситма инсонни заиф ҳолга тушуриб қўйганлигини Аллоҳ озгина офат билан жазолаб қўйишини билиб қўйсин. Бу куч-қувватлар, чиройли хусн унга вақтинча берилганини тушуниб етсин.

Юқорида келтирилган оят ва ҳадислардан маълум бўладикки, ушбу-қалб касалликларидан бир касаллик экан. Бу касалликдан ҳар бир мўмин инсон қутулмоқлиги даркор. Ҳар бир инсон камтар бўлишга ҳаракат қилмоғи динимиз кўрсатмаларидан ҳисобланади. Улуғлар: Одам-одамни кўрганда шу одам мендан яхшироқ бўлса керак деб яхши гумон қилмаса, у одамда кибр аломати бор экан, деганлар. Ҳадисларда, кибрли одам жаннатга кирмайди дейилган. Кибрдан йироқ бўлайлик,

Иномжон ТҲҲЧИЕВ,
туман бош имом-хатиби.

ИНТЕРНЕТ САРҲАДЛАРИДА НИМА ГАПЛАР?

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА 3-ЎРИНДАН ЖОЙ ОЛДИ



"Open Data Watch" ташкилотининг "Gender Data Compass" рейтингда 2023 йил якунига кўра Ўзбекистон 37 балл тўплаган ҳолда 185 та мамлакат орасида 56-ўринни, Марказий Осиё минтақасида 3-ўринни эгаллади.

"Gender Data Compass"

ОЙДА УЛКАН ТЕЛЕСКОП ҚУРИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ



NASA Годдард фазовий парвозлар маркази Artemisнинг янги ой дастури доирасида Ойда улкан Stellar Imager телескопини қуришни таклиф қилди.

Тўлқинли тасвирлар туфайли Ой доимо Ерга қараган ва кун ва тун цикли бир ой давом этади, бу олимларга икки ҳафта узлуксиз астрономик кузатув олиб бориш имконини беради. Бундан ташқари, атмосферанинг йўқлиги турбулентлик ва ёруғлик билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этади ва Ойнинг нариги томони юқори аниқликдаги интерферометрик тасвирлар учун энг яхши шароитларни таъминлайди.

NASA экспертларининг фикрича ой интерферометрик қурилмаси улкан илмий салоҳиятга эга ва қурилиш харажатларини камайтириш учун босқичма-босқич ишлаб чиқилиши мумкин. Бу юлдузлар сиртини, янги пайдо бўлган юлдузлар ва қора туйнуқларни ўрганиш имконини беради, деб хабар беради lenta.ru.

ОЛМА ЕБ ТУРИНГ

Хар куни истеъмол қилиш зарур бўлган энг муҳим маҳсулотлар орасида биринчиси олмадир. У антиоксидант хусусиятларга эга табиий кимёвий моддаларга жуда бой. Бундан ташқари, у саратоннинг баъзи бир турлари ва юрак-қон томир касалликларини олдини олишда самарали.



мамлакатнинг гендер маълумотлари тизimini яхлит баҳолашни таъминлайди. У 53 та гендер кўрсаткичларининг беш жиҳати: мавжудлик, очиклик, асослар, имкониятлар ва молиялаштириш манбаларига таҳлил қилинади.

Мамлакатимизда гендер статистикасини юритиш бўйича Статистика агентлиги ваколатли орган бўлиб, агентликда гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилган.

КАРКИДОНЛАР ХАВФ ОСТИДА

Глобал исиш. Бутун дунё бўйлаб ҳарорат кўтарилиб бормоқда. Фауна оламидаги каркидонлар янги ҳарорат режимига дош бера олмаслиги мумкин.

Олимларнинг айтишича, бу



хайвонлар ўзидан тер чиқармаслиги сабабли исикликка бардош бера олмайди. Салқинланиш учун улар сояга ёки сувга тушишади.

Олимлар олиб бораётган илмий изланишлари ва прогнозларига кўра, глобал исиш сайёрадаги нафакат каркидонларга балки, бошқа бир фауна олами вакиллари ҳам салбий таъсир кўрсатади. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича экспертлар ҳозирги тенденцияларни кузатиш ва энг заиф бўлган фауна олами вакиллари келажакка тайёрлаш ва мослаштириш учун катта ҳудудларда макроэкологик тадқиқотлар ўтказмоқда. Ҳозирги кунда Ерда 10 мингга яқин оқ каркидон қолган, қора каркидонлар сони эса 3,1 мингга яқин.

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР НЕГА АЛОҚАГА ЧИҚМАЙДИ: ЯНГИ ГИПОТЕЗА ПАЙДО БЎЛДИ

Яқинда пайдо бўлган "қоронғу ўрмон" гипотезаси буғга ойдинлик киритди.

Унлаб йиллар давомида кўплаб олимлар Коинотда ердаги ҳаётдан бошқа ҳаёт бормикин ёки одамларга ўхшаш онгли мавжудот бормикин деб бош қотириб келмоқда.

Ферми парадокси деб аталадиган нарсаси бир вақтлар шакллантирилган бўлиб унинг мазмуни куйидагича: агар коинот юлдузлар ва потенциал ҳаётга қодир сайёралар билан тўла бўлса, унда нега биз бошқа онгли мавжудот белгиларини топмадик ёки бошқа онгли цивилизациялардан хабарлар олмадик?

Яқинда пайдо бўлган "қоронғу ўрмон" гипотезаси бироз бошқача фикрлашга ундайди. Хусусан, унга кўра бошқа онгли мавжудотлар орасида юзага келиши мумкин бўлган тўқнашувлар ёки



ресурсларнинг камайиб кетишини олдини олиш учун атайлаб бир-биридан яширинаётганлиги мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир цивилизация жимликни сақлаган ҳолда ўзини яширадиган камуфляж кийган овчига ўхшайди.

Гипотезага кўра сукут сақлаш Ердан ташқаридаги барча ақлли мавжудотлар учун энг хавфсиз ҳаракат бўлиши мумкин ёки технологиялар ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги учун ҳам бошқа онгли мавжудотлар билан космик алоқалар йўқ.

ОИВГА ҚАРШИ ДНК-ВАКЦИНАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Олимлар ДНК-вакцинацияси CD8+Т-хужайралари томонидан бошқариладиган ОИВга қарши мустаҳкам, узоқ муддатли иммунитетни юзага келтириши мумкинлигини аниқлашди.



Биологлар иммун хужайраларини фарқлашда муҳим роль ўйнайдиган PD-1 оксиди билан мустаҳкамланган ДНК-вакциналарини ишлаб чиқишди. Ўтказилган тадқиқотлар бу усул антигенни (вируснинг бир қисми) дендрит хужайраларга янада самарали етказиб беришга имкон беришини, бу эса иммун жавобини бошлаш учун уни Т-хужайра рецепторларига тақдим этишини кўрсатди.

Олимлар ОИВ-1 вируси мавжуд одамларда мазкур вирусга қарши курашиш учун вакцинани ўзини ёки бошқа биомедикал аралашмалар билан бирга қўллаш мумкинлигига умид қилмоқда, деб хабар беради lenta.ru.




ҚУЧОҚЛАШАМАН ДЕБ ЕЛКАСИНИ СИНДИРДИ

Челябинск вилоятида яшовчи Александр эски дўстини кўриб қолди. Улар узоқ вақт бир-бирларини кўришмаган эди, шу сабабли қучоқлашиб кўришдилар.

Улар бир-бирлари билан шунчалик қаттиқ қучоқлашиб кўришди ларки хатто нафаслари бўғилиб қолай деди. Эрталаб Александр ховлисидаги қорни тозалаш учун чиқди, аммо елкасида кучли оғриқни ҳис қилди. Ҳар эҳтимолга қарши клиникага бориб шифокорга кўринишга қарор қилди. Ўтказилган рентген текширувида Александрнинг елкасида ёпиқ синиш аниқланди.

Шифокорлар беморга гипс қўйишди ва унга кейинги икки ой ичида қучоқлашиб кўришмасликни қатъий буюришди.

БИРОВНИКИ БУЮРМАДИ



Саратовнинг 40 ёшли фуқароси доим омадсизлигидан нолиб юрарди. Иттифоқ у озик-овқат дўқонида ичида 20 минг рубль бўлган ҳамён топиб олди. Омадсиз эканини ҳар доим таъкидлайдиган одам учун бу катта бахт эди.

Гўё осмондан тушган пулга у иссиқ емаклар, ичимлик ва газаклар сотиб олаётган вақтда ҳамён эгаси полиция маҳкамасида ҳамёни йўқолгани ҳақида ариза ёзарди.

Хукук тартибот идоралари ходимлари дўқондаги кузатув камералари орқали ҳамёни топиб олган фуқарони аниқлашди ва устидан жиноий иш очилди. Топиб олганга ҳам жиноий ишми дерсиз. Ахир Россия қонунчилигида топиб олинган нарсаларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширмаслик жиноят деб белгиланганда.

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

Энг катта торт Ҳиндистонда ясалган ва унинг узунлиги 6,7 метр, кенлиги эса 4,3 метр. Торт Тож Маҳал меҳмонхонасининг нусхаси бўлиб, унинг тайёрланишига 5 тонна шаккар ишлатилган.



Туркияда 16-17 асрларда қаҳва ичган ҳар қандай одам қатл этилган.

Туякуш отдан ҳам тез югура олади. Эркак туякушлар эса хатто шердан ҳам баланд наъра торта олади.

Инсон юраги ҳосил қиладиган босим билан қон 4-қаватга чиқиши мумкин.

Дунёдаги энг кичкина телефон Зансо Тиний Т1 деб топилди. Кичик ҳажмига қарамай, телефон кўнғироқ қилиш ва хабарларни юбориши мумкин, у ҳар қандай мобил телефоннинг асосий функцияларини бажара олади.



Африка бўрсиғи ҳисобланади. Инсон унинг ҳидини 1,5 километрдан ҳам сезиши мумкин.



Қарғалар дунёдаги дўстига энг содиқ жонзотлардан бири. Агар бирорта қарға қандайдир жароҳат олса, унинг шериклари то у бутунлай тузалиб кетмагунча унга ғамхўрлик қилишади.

Саҳифа материалларини ОАВ ва интернет асосида А. НИШОНОВ тайёрлади.

Toshloq tongi

МУАССИС:
ТОШЛОҚ ТУМАН
ҲОКИМЛИГИ ВА
"ТОШЛОҚ ТОНГИ" ГАЗЕТАСИ
ТАХРИРИЯТИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

151500 Тошлоқ шаҳарчаси,
Дўстлик кўчаси, 7-уй
Телефон факс: (73) 238-11-65.
(90) 277-35-65.

Газета Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 9 январда № 12-010 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN- 20-109563. Наиш индекс 525.

Марғилон шаҳар «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макетидан чоп этилди. Туркистон кўчаси 236 «Б»-уй.
email: pol.press@mail.ru

Бош муҳаррир:

Муқимжон НУРМАТОВ.

Босишга топшириш вақти: 16.00
Босишга топширилди: 15.30

Бу сон учун масъул: Абдурахмон НИШОНОВ.

Саҳифаловчи: Шохистахон РАҲИМОВА.

Веб саҳифамиз: www.toshloqtongi.uz; telegram каналимиз @toshloqtongi_uz

Буюртма № 87.

Бичими А-3. Адади 2174.